

Янги Зеландия масжидларида хавфсизлик чоралари таъминланмоқда



13:00 / 08.07.2019 1412

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳридаги масжидларда содир этилган террорчилик ҳужумидан сўнг, масжидлар хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилган. Бу ҳақда стафф ахборот сайти хабар беради.

Янги Зеландия армиясида 38 йил фаолият юритган тажрибали Абдул Латиф шаҳардаги шимолий масжид учун махсус хавфсизлик тизимини ишлаб чиқди. Ушбу тизим мамлакатдаги бошқа исломий марказларда ва масжидларда ҳам жорий этилади. Ўтган икки ой давомида у Янги Зеландиядаги кўплаб масжидларни зиёрат қилди ва улар учун хавфсизлик чораларини бепул фавқулодда ҳолат тизимларини ўрнатди. Унинг айтишича, Янги Зеландия мусулмон жамоасининг саъй-ҳаракатларига қарамасдан, мусулмонлар жамоаси ҳали ҳам ўзларини хавфсиз деб ҳисобламаяптилар.

Маълум бўлишича, ҳозирда ҳам улар таҳдидли электрон почта хабарларини қабул қилмоқда. Апрель ойида баъзи черковларда мусулмон ва насронийлар ўртасидаги тотувликка раҳна солувчи радикал мазмундаги варақалар тарқатилган. Умуман олганда, ҳукумат расмийлари Крайстчерч шаҳридаги мудҳиш воқеалар қайта такрорланмаслигини олдини олиш мақсадида хавфсизлик чораларини кўрмоқдалар.

Islom.uz портали таҳририяти